



ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

# АДОЛАТ

Газета 1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

### Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг ўн олти йиллигини муносиб кутиб олиш, бу кутлуг сана муносабати билан мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлаш, ҳуқуқий демократик давлат ва эркин фуқаролик жамияти асосларини барпо этиш йўлида эришилган улкан ютуқ ва натижаларни халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида кенг тарғиб этиш, ватандошларимиз, айниқса, ёш авлод қалби ва онгида бебаҳо неъмат бўлмиш мустақиллигининг бекиёс аҳамияти, она Ватанга муҳаббат ва садоқат туйғусини янада чуқурроқ сингдириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг ўн олти йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича республика комиссиясининг таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Республика комиссияси "Бу байрам - барчамизники, бугун халқимизники" деган эзу гоани ўзда мужассам этган ташкилий-амалий, маданий-маънавий тадбирлар ҳамда тарғибот-ташвиқот ишлари дастурини 20 кун муддатда ишлаб чиқсин.

3. Мустақиллик байрамига бағишланган тадбирлар ва тантанали маросимларни кўтаринки руҳ ва кайфиятда, ташкилий, гоавий-бадвий жиҳатдан юксак савияда, аҳолининг барча қатламлари, кенг жамоатчилик иштирокида ўтказиш учун "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, Хотин-қизлар қўмитаси, "Нуроний" ва "Махалла" жамғармаларига алоҳида тадбирлар режасини тайёрлаш ва амалга ошириш тавсия этилсин.

Ушбу тадбирлар режасида кўйилган масалаларга эътибор қаратилсин.

Иштирокчилар ёш авлод тақдирини, уларнинг замонавий дунёқараши, билим ва тафаккури, фаол гражданлик позициясини шакллантириш, истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлашдаги бекиёс ўрни ва аҳамиятини, йилгит-қизларимизнинг ишлаб чиқариш, илм-фан, маданият, санъат ва спорт соҳаларида, Ватанимиз сарҳадлари дахлсизлигини кўз қорачиғидек асраш борасида эришяётган ютуқларини аниқ ҳаётий мисоллар орқали кўрсатиш ва кенг тарғиб этиш;

хотин-қизларнинг жамият ҳаётинидаги ўрни ва нуфузини, ижтимоий фаоллигини юксалтириш, оналик ва болалиқни муҳофаза қилиш, эл-юрт таянчи бўлмиш оила институтини ҳар томонла-

ма мустаҳкамлаш, унинг фаровонлигини ошириш бўйича, жумладан, "Ижтимоий ҳимоя йили" дастури доирасида амалга оширилаётган давлат сиёсатининг устувор йўналишларини ақс эттириш;

мамлакатимизни иқтисодий-ижтимоий ривожлантириш, юртимиз шўхратини дунёга тараннум этиш, ёшларимизни баркамол инсонлар этиб тарбиялашда ўз шахсий ибратини ва ҳаётий таърибаси билан намуна кўрсатаётган, эл-юртга хизмати синган кекса авлод вақилларига ҳурмат-эҳтиром кўрсатиш, фахрийларнинг меҳнатини муносиб қадрлаш, улар иштирокида турли суҳбат ва учрашувлар, маърифий тадбирлар уюштириш;

истиклолимиз билан боғлиқ эзу тушунчаларни янада чуқурроқ англаш, унинг қандай кураш ва машаққатлар, фидокорона меҳнат ва қатъият эъзизига қўлга киритилгани, кенг қўламли илохотларимиз моҳияти эътибори билан инсон манфаатларини таъминлашга қаратилганини таъсирчан усул-усуллар орқали ёритиш, миллати, тили ва динидан қатъи назар, юртимизда яшаётган ҳар қайси инсоннинг жамиятимиздаги тўб ўзгаришлардаги иштироки, ҳаётга онгли муносабати, дахлдорлик туйғуси ва масъулият ҳисси, ўзаро меҳр-оқибат ва ҳамжихатлик фазилатлари тобора кўнайиб бораётганини, бу эса барча ютуқларимизнинг, бугунги ва эртанги тараққиётимизнинг асосий шартини ва барови бўлиб қилаётганини ҳар томонлама чуқур очиб бериш.

4. Республика комиссияси ўз йиғилишларида марказда ва жойларда амалга оширилаётган тадбирлар режасини бажариш бўйича ҳисоботларни мунтазам равишда эшитиб борсин.

5. Мамлакатимиз пойтахти Тошкент шаҳрида, Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда ўтказилаётган байрам дастурларини тайёрлашга оммавий томошалар бўйича юксак профессионал ҳимнат ва тажрибага эга бўлган сценарист ва режиссёрлар, эзувчи ва шoirлар, композитор ва балетмейстерлар, сахна рассомлари, истеъдодли ёш санъаткорлар, фольклор санъати вақилларидан иборат ижодий гуруҳлар кенг жалб этилсин.

6. Байрам муносабати билан шаҳар ва қишлоқларда, маҳалла ва гузарларда, кўпқа-

ватли уйлар атрофида кенг қўламли ободонлаштириш ишлари амалга оширилсин.

7. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси, Ёзувчилар ва Бастакорлар уюшмалари билан биргаликда Ватанимиз истиклолини тараннум этадиган энг яхши кўшиқ ва мусикий асарлар учун республика танловини ўтказиш мақсадида унинг низомиини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда тасдиқласин. Танлов голиблари ва совриндорлари Мустақиллик байрамини арафасида эълон қилинсин.

8. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги Ўзбекистон журналистлари ижодий уюшмаси билан биргаликда август ойининг охирида мамлакатимиз мустақиллигига бағишланган "Энг улуг ва энг азиз" аънавий танловининг якуний босқичини ўтказсин.

9. Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Ўзбекнаво" эстрада бирлашмаси ва Бастакорлар уюшмаси ёш ижрочилар ўртасида "Нихол" муқофотига номзодларнинг республика саралаш босқичини ҳамда голиблар ижросидаги концерт дастурини август ойининг биринчи ярмида юқори даражада ташкил этсин.

10. Белгиланган байрам тадбирлари: Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда маҳаллий бюджетлар ҳамда жойлардаги ишлаб чиқариш корхоналари, ҳўжалиқлар, жамғармалар ҳисобидан;

Тошкент шаҳрида республика бюджети ва Тошкент шаҳар маҳаллий бюджети маблағлари ҳисобидан тенг улушларда қопланади.

11. Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, "Жаҳон" ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларида мустақилликнинг ўн олти йиллиги байрамининг таърибига қўллаб-қувватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисидаги Фармони истиқлол йилларида ёшларга кўрсатиб келинаётган оталарга гамаҳўрликнинг изчил давом топаётганининг яна бир далилидир.

Давлатимизнинг инсонпарвар сиёсати, ҳаётини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ Тошкент шаҳри, 2007 йил 30 май

## Бугун - Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни

### ОЛАМНИНГ ЗИЙНАТИ СЕНСАН, БОЛАЖОН!

Болалик инсон умрининг бегубор фасли. Киши бу памада бир олам орзулар бағрида яшайди. Қалби субҳидадаги мусаффо ҳаводек соф, нигоҳи эса ҳами тасаввурига ҳам сиғира олмаган эзуликлар сари инилади. Бу ҳар бир қалбада содир бўлувчи ва ҳар бир юракдан кечувчи жўшқин кечинмалардир. Шу дамларда киши ҳаётида юз берган воқеа-ҳодисалар мангуга муҳрланиб қолади. Айниқса, кўрсатилган меҳр-муҳаббат бир умр ёрқин хотирага айланади, умр йўлида умид, инсонч пайдо қилади. Болалигим - пошломим, деган ибора бекорга айтилмаган. Зотан, боланинг хоҳиш-истаги, тилаги, талабини бажо келтиришининг ўзи ота-онага чексиз ҳўзур бахш этади.

Биз болажон ҳаммиз. Бу билан фахрланишимизни исбот қилишга ҳечам ҳожаз йўқ. Мамлакатимизда дидабанларимиз тарбиясига берилаётган эътибор, имтиёзлар, янгидан-янги ўқув муассасалари, дам олиш оромгоҳлари-ю спорт мажмуаларининг қад ростлаётгани фикримизга ёрқин далил бўлиш билан бирга, болажонлигимизнинг асл моҳиятини ҳам англатади.

Кувнок нигоҳингда дунё орзуси,  
Барҳ уриб яратсин имкон болалик.  
Таърифга сўз ожиз, меҳр кўзгуси,  
Оламнинг зийнати сенсан, болалик!  
Сулаймон ХАЙДАРОВ



## Ёзда бўш вақт бўлмайди

– дейди Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Сурхондарё вилоят филиали ижрочи директори Илҳом Абсатторов



Бугун мамлакатимизда болалар спортини ривожлантириш борасида олиб борилаётган кенг қўламли ишлар келажакка дахлдор. Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг Оқсаройда бўлиб ўтган Ҳоймилик кенгаши йиғилишларида кенгаши Юртошимиз соҳани юксалтириш ҳўсусида сўз юратар экан: "Спорт орқали боланинг дунёқараши ўзгаради. Кеча кўчада нима қилишни билмай юрган бола бирон-бир ҳўнар ўрганиш, спорт машгулотлари билан банд бўлса, ота-онасига ҳам бошқача кўз билан қарайди. Ойлада меҳр-оқибат, аҳиллик кўчада. Айниқса, ўғил бо-

## Болалар спорти

ЕШ ҚАЛБЛАРДА ВАТАН СУВРАТИ

"Адолат" СДП Самарқанд вилоят Кенгаши Халқаро болаларни ҳимоя қилиш куни муносабати билан ажойиб учрашув ўтказди. "Ватан келажак - менинг тақдиримда" деб номланган кечага Самарқанд шаҳридаги Меҳрибонлик уйлари, "СОС" Болалар маҳалласи тарбияланувчилари таклиф этилди.

Еш рассомларнинг "Ўзбекистон - болалар нигоҳида" кўргазмаси иштирокчиларга катта қизиқиш уйғотди. "СОС" болалар маҳалласи тарбияланувчиларининг концерт дастури ҳам қизгин оқишларга сазовор бўлди.

Учрашувда партия фаоллари, Меҳрибонлик уйлари раҳбарлари болаларга яратилган шарт-шароитлар билан танишишди ҳамда тарбия даргоҳлари билан доимий ҳамкорлик қилиш ҳақида келишиб олдлар.

Тадбир сўнггида болаларга партия вилоят Кенгашининг савгалари топширилди.

## Фармонни ўқиб

### Моддий кўмак, маънавий таянч

Давлатимизнинг ёш авлод таълим-тарбиясига қаратаётган юксак эътиборига ҳар доим гувоҳ бўлиб келаямиз. Президентимизнинг "Еш билаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармони истиқлол йилларида ёшларга кўрсатиб келинаётган оталарга гамаҳўрликнинг изчил давом топаётганининг яна бир далилидир.

Давлатимизнинг инсонпарвар сиёсати, ҳаётини таъминлаш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазирини Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

бир йилгит-қиз мавжуд тартиб-қоидалар, қонунлар олдидан масъули бўлгани каби, давлат ва жамият ҳам улар олдиданги масъулиятдан келиб чиқиб, гамаҳўрлик ва меҳрибонлик кўрсатаётгани гоғтада кувончларидир. Бундай кўмак нафақат моддий, мадад, балки маънавий таянч ҳамдир. Шубҳасиз, меҳр кўрган ва ардоқланган навақирон авлод келгусида жамият, юрт равнақи, халқ фаровонлиги йўлида энг шимариб хизмат қилади.

Раҳмон ДАВРОНОВ, "Адолат" СДП Бўҳоро вилоят Кенгаши иккинчи қотиби

## Хурмат ва эътибор кўрсатилди

"Адолат" СДП Андижон вилоят Кенгаши томонидан кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиш, уларга моддий ва маънавий жиҳатдан ёрдам кўрсатиш аънавига айланган.

Андижон туманидаги Бўғқора қишлоғида яшовчи Сурайё опа Зўҳриддинова бир неча йилдан бундан касаллик туфайли тушакка микланиб қолган эди. Яқинда "Адолат" СДП вилоят Кенгаши ҳамда "Қамолот" ЕИХ вилоят кенгаши ҳоймичилигида Сурайё опа хонадонини ҳамда шу қишлоқдаги яна бир кам таъминланган хонадон таъмирлаб берилди. Шунингдек, "Ижтимоий ҳимоя йили" дастури доирасида Сурайё Зўҳриддинова "Адолат" СДП вилоят Кенгаши ҳоймичилигида Андижон Давлат Тиббиёт институти клиникасида бепул даволаниш учун йўланмага ҳам эга бўлди.

Дарвоқе, Марҳамат туманидаги Т.Мирзаев МФЙда Андижон Давлат Тиббиёт институти томонидан уйингоҳ қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бу ерда ҳам фахрийлар, эл ардоқиди инсонлар бир пилега чога таклиф қилинди. Шундан сўнг туманда узок йиллар раҳбарлик лавозимларида ишлаб ўтган ААБўдўжаборов хотирасига бағишланган турнир ўтказилди.

Тадбир якунида фахрийлар ва голиблар учун "Адолат" СДП вилоят Кенгаши томонидан тасxis этилган эсдалик соғвалари топширилди. Ана шундай тадбирлар вилоятнинг бошқа туманларида ҳам ташкил этилди.

## Партия кўзгуси

### САМАРАДОРЛИК – АНИҚ, ВА АМАЛИЙ ҲАРАКАТДА



Айни кўналарда "Адолат" социал-демократик партиясининг аҳоли ўртасидаги тарғибот ишлари кенгаши, тадбирлар таъсирчанлиги ҳам ортиб бормоқда. Кўни кеча мамлакатимизнинг дўзал воҳалари - Наманган ва Фарғона вилоятларида ўтказилган амалий учрашувлар ҳали-бери кўнчиликни ёдидан кўтарилмасга кермак. Сабоби, тадбирлар аниқ мавзу ва муҳокамаларга бой ўтиши билан бирга, уларда вилоят Кенгашиларининг бугунги ва эртанги фаолияти учун зарур йўналишлар белгиланган. Шунингдек, тадбир иштирокчилари ўзларини қизиқтирган бир неча саволлар билан мувожабат қилишиб, турли соҳа ва фаолиятга оид ҳуқуқий масалаларга эга бўлишди. Ававал хабар қилганимиздек, "Адолат" СДП янги Конституций қонун қабул қилиниши муносабати билан жўдудий Кенгашиларда семинарлар ташкил этиб келаяптир. Бу селги ҳар иккала вилоятда ўтган тадбир партиявий фаолиятини кўчатириши ва ишга ёндошувини янгилаш борасида амалий таклиф ва режалардан ташқари қўллаб-қувватлаш вазифаларини ҳам қамраб олди.

# САМАРАДОРЛИК — АНИҚ ВА АМАЛИЙ ҲАРАКАТДА

**(Давоми. Боши 1-бетда)**

Бундай ҳолатни "Адолат" СДП фаолларини аҳоли ишончини қозонишга астойдил интилаётганидан, деб баҳолаш мумкин. Чунки, энди тadbирларда фақат партия аъзолари ва хайрихоҳлар эмас, жамиятнинг у ёки бу қатламига мансуб, бирор соҳада доимий фаолият юритаётган ҳамда шу куннинг руҳи ва талаби билан яшаётган фуқаролар ҳам иштирок этаётди. Айтиш жоизки, мана шундай кенг аудитория олдига партия ўзининг аниқ дастурлари ва мақсадини халққа еткази оляпти. Бугунги кунда партия аъзолари фуқаролар ишончини оқлаш, нуфуз ва мартабани ошириш учун жонли, таъсирчан ва кенг қўламли фаолият юртиш зарурлигини аллақачон англаб етишган. Қолаверса, партия ишонини қўрқатадиган, уни жамият ҳаётидаги макенини юксалтирадиган ҳамда ҳаётини қарор қабул қилишдаги ўрнини оширишадиган ягона омил бор — халқ ва унинг ишончи. Конституциявий жон эса бундай фаолиятнинг жонлангириб-гина қолмай, янги имкониятларни ҳам яратди. Шу сабабли партия фаоллари маҳаллий Кенгашларда, аҳоли билан учрашуларда янги қонуннинг мазмун-моҳиятини тушунтириб, унинг инсон манфаати ва иқбол учун муҳим ҳуқуқий асос эканлигини таъкидлаб ўтишмоқда.

Наманган вилоятининг шаҳар ва туман Кенгашлари котиблари билан учрашуларда "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши биринчи котиби Дилором Тошмухамедова ҳамда Олий Мажлис депутати Юсубжон Нишонов иштирок этди. Партия етакчиси ҳар бир учрашувда маъруза қилар экан, Сиёсий Кенгаш ва Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги партия фракцияси томонидан олиб борилаётган амалий ишлар ҳақида тўхталиб, партия фаоллари эътиборини жойларда бошлангич ташкилотлар фаолиятини янада кучайтириш зарурлиги қаратди. Шунингдек, йиғилишда таъкидландики, аввалги йиллардан фарқи ўлароқ, жорий йилда қўллаб туман Кенгашлари фа-

олияти анча жонланди. Бу эса, ўз навбатида, фуқароларнинг "Адолат" СДПга бўлган ишончини янада оширишга хизмат қилади, албатта. Шу маънода, вилоятнинг Чортоқ, Чуст, Уйчи туман Кенгашлари томонидан партия Низоми ва Дастурини халқ орасида кенг тарғиб қилиш, аҳолининг сиёсий фаолигини ошириш борасида амалга оширилаётган ишлар ибратли, деб баҳоланди. Тадбирда вилоят партия ташкилотлари олдига турган вазифа-мувоқофама қилинди ва фаолиятни кучайтириш чора-тадбирлари белгилаб олинди.

Учрашуларда, шунингдек, турли соҳаларга оид қизиқарли бахслар ҳам уюштирилди. Наманган шаҳрида «Дори воситалари ва фармацевтика фаолияти тўғрисида», «Фуқаролар соғлигини сақлаш тўғрисида», «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги ва хусусий тadbиркорликни қўллаб-қувватлашга йўналтирилган қонунларнинг амалдаги ижроси ва мазмун-моҳиятини тушунтиришга қаратилган учрашув ташкиллаштирилгани фикри-мизнинг аққол тасдиғидир.

Тадбирдан қўзғалган асосий мақсад партия фаоллари ва соҳа вакиллари билан истеъмолга яроқсиз дори воситаларининг муомалага киритилишининг олдини олиш учун қандай чора-тадбирлар ишлаб чиқиш кераклиги хусусида фикр-мулоҳазалар олиш бўлди.

Семинарда партия фаоллари томонидан алоҳида қайд этилдики, аҳолининг ҳаётини зарур сифатли дори-дармонларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида амалдаги қонунчиликка қатор ўзгаришлар киритиш тақлифи билан чиқиб «Адолат» СДПнинг 2006-2009 йилларга мўлжалланган фаолият дастурида ўз аксини топган.

Тадбирда депутатлар мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислохотлар жараёнида мамлакатимизнинг ҳар бир фуқароси фаол иштирок этиши лозимлигини таъкидлашди. Бугунги кунда доришуносларнинг қандай муаммолари бор,

уларни бартараф қилиш учун нималарга эътибор қаратиш лозим? Шу билан бирга, вилоятнинг айрим жойларида норасмий равишда улгуржи сотилаётган сифатсиз, мамлакатимизга яширин йўллар билан кириб келаётган қалбаки дори воситалари сотилишининг олдини олиш учун қандай чора-тадбирлар лозимлиги тўғрисида ўз фикрларини билдирди.

Кўкун шаҳрида фаолият юритаётган доришунослар билан бошланган очиқ мулоқот тарзидаги семинар Республика шохлиқини тез тиббий ёрдам илмий маркази Фаргона филиали мажлислар залида ҳам давом этди. Тадбирни кириш сўзи билан очган «Фаргона дори-дармон» очиқ акциядорлик жамияти бошқаруви раиси М.Турсунов айти кунларда вилоятдаги давлат ва хусусий доришунослар фаолияти тўғрисида қисқача ахборот берди. Шунингдек, фармацевтика соҳаси олдига турган айрим муаммолар хусусида ҳам фикрлар билдирди.

Бундан 13 йил аввал қабул қилинган қўқам қарорда ҳар бир доришунослар 20 турдаги дори воситалари мавжуд бўлиши кераклиги кўрсатилган, лекин эндиликда бу дори воситаларида деярли эҳтиёж қолмади, — деди семинарда сўз олган Маргилон шаҳридаги «Доктор Мом» хусусий доришуноси раҳбари Э.Давронов. — Тўғри, бу қарор ўша давр учун жуда халқчи бўлган, дори тақчиллиги даврида аҳоли эҳтиёжини қоплашга йўналтирилган. Бугунга келиб эса ўша рўйхатда номлари келтирилган дори воситалари талаб йўқ. Мисол учун, «Ферамид» таблеткасини оладиган бўлсақ, харидор йўқлигидан унинг муддати ўтиб кетаяпти. Яна бир муаммо, қонунда доришунос мудир олий маълумотга эга фармацевт бўлиши лозимлиги кўрсатилган. Бирок амалда бундай эмас. Дори-дармон савдоси билан шуғулланиш айрим кишилар учун сардорамд қасбга айланган. Мутахассислиги бўлмаган «доришунос»лар сифати кафолатланмаган ва аксарият ҳолларда қалбакилаштирилган дори воситаларини келтириб сотишяпти. Агар барча дори-

шунослар арзон бозорга югурмай улгуржи савдо фирмаларидан сифати кафолатланган, сертификатга эга маҳсулот харид қилсалар миқдорлар олдида эришиш осонлашади. — Аммо фирмалар орқали олган маҳсулотимизни олиб келиш учун 15-17 фоизгача маблағ сарфлаямиз. Қўқам турибдики, олган даромадимиз солиқ ва бошқа тўловларни тўлашга ишлатилади. Натихода доришунослар ҳисобида дори-дармонлар сотиш учун айланма маблағ қолмайди. Шу сабабли доришунос эгалари улгуржи савдо базарида орқали эмас, балки арзон-гаровга сотилаётган норасмий дори бозорларидан маҳсулот олишга ҳаракат қилмоқда.

Худди шундай фикрлар бошқа доришунослар томонидан ҳам билдирилди. Чунки, доришуносларнинг аҳолига хизмат кўрсатиш даражасини ошириш ва сифатли дори-дармонлар билан таъминлашда ниҳоятда муҳим омил, бу фойда билан ишлаш, етарли айланма маблағларга эга бўлиш эканлиги айтилди. Хулоса сифатида, бюджет маблағлари ҳисобига харид қилинадиган дори-дармонларга 20 фоизлик устама нархни қолдириб, бошқа ҳолатларда устама нархни бозор қонунчилигини янада такомиллаштириш муҳимлиги ҳамда доришунослар фаолияти самарадорлигини ошириш чора-тадбирларини кўриш лозимлиги эътиборга олинди.

**Азамат МАҲМУДОВ,**  
«Адолат» мухбири



## Қишлоқ хўжалиги

Аграр соҳада омиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар самараси ўлароқ мамлакатимиз қишлоқ хўжалигида салмоқли ютуқлар қўлга киритилляпти. Аиниқса, кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш режалари орқали билан бажарилмоқда. Бу ютуқларнинг асосий омилни норентабеллик билан ишлашган ширкатлар неғизда фермер хўжалиқларининг ташкил этилиши қишлоқларда янги мулкдорлар — ернинг ҳақиқий эгалари пайдо бўлганидир.

# МИНЕРАЛ ҲИТОТ — ЗАМИН НАФАСИ

Айтганча, бугунги фермер бир пайлардагидек номинганна, хўжакуринга далага чиқадиган ишчи эмас, балки етиштирилган ҳар бир килограмм қишлоқ хўжалиги маҳсулотидан манфаатдор шахс. Ҳузуздан аёнки, моддий манфаатдорлик бор жойда иш унумли ва самарали кечади, қўзланган мақсадга эришиш осонлашади. Шу боисдан бугун ерга кетмондас-та суқиб қўқаришга қодир фермер хўжалиги аъзолари — бободоҳонлар қўқори натижалар билан сифатли пахта ва галла хомашўсини етиштиришяпти, — дейди вилоят "Қишлоқ хўжалиқимиз" ҳиссадорлик жамияти раиси Холитйиг Райимбердиев. — Ҳузуздан, вилоят ҳокимининг шу йил 19 мартдаги "2007 йил пахта ҳосили унумли чигит экиш мавсумини қисқа муддатларда ва сифатли амалга оширишга ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорини ижросини таъминлаш мақсадида минерал ўғитларни фермер хўжалиқларига улгуржи етказиб бериш, бу бораддаги ишларни бир маромда амалга ошириш учун транспорт воситаларига эга ташкилотлар билан шартнома тузиш ҳамда ушбу жараёнга жалб қилинган ишчи-хизматчилар, ҳайдовчиларга қўлай шaroитлар яратиш, рағбатлантириш боришга алоҳида эътибор берилмоқда.

Айти кунларда пахта далаларини иш қизгин. Униб чиққан гўзани парварилаш ишларига ҳамма куч ва имкониятлар йўналтирилган. Бу муҳим жараёнда ташкилотимиз ходимлари фидокорона меҳнат қилиб, фермерларга қўқам ва йўл-йўриқ бериб келишмоқда. Муҳим, бугун биронта фермер минерал ўғит сўраб идорамизга келиб ўтирмайди. Узимиз далаларга етказиб берилаётган Мисол учун, чигит экишдан олдин фермер хўжалиқлари далаларига, таъбир жоиз бўлса, ернинг илги бўлиши фосфорли ва калийли минерал ўғитларни етказиб бериб, чигитни ўғит билан бирга экилишини назоратга олдик. Албатта, бу кутилган ҳам яхши самара бериб, иш сифати ва унумдорлигини оширишга олиб келмоқда.

Очиги, фермерни қўллаб-қувватлаш ва сифатли хизмат кўрсатишда Сирдарёда ўзига хос мактаб яратилган. Соҳага алоқадор вилоят микёсидаги ҳар бир ташкилот ўз зиммасига юкланган вазифа ва мажбуриятларни сидқидилдан унда-

ди. Бунда бир кунда ўртача 1448 та техника воситасини жалб қилган ҳолда 7238 гектар гўза майдони озиклантирилишига эришилди. Ҳозирда шонлашгани бўлган гўза майдонларида иккинчи озиклантириш ишлари қизгин олиб бориляпти. Шу йилнинг 15 июнига қадар давом этадиган бу мавсумда 14720 тонна азотли, 496 тонна фосфорли, 410 тонна калийли минерал ўғит фермер хўжалиқлари далаларига етказиб берилиши режалаштирилган. Шу боис ишни такомиллаштирилган режа асосида ташкил қилиб, бир кунда ўртача 7945 гектар ер майдони озиклантирилляпти. Чунки, барча соҳада бўлгани каби пахтачиликда ҳам меъёр ва сифат — бирламчи омил. Масалан, гўзани иккинчи озиклантириш шонлаш даврида бир гектар ер майдонига 250 килограмм минерал ўғит ишлатилиши шарт. Агар бу меъёр бузилса ерни алданган бўламиз. Натихода ҳосил қўқам бўлади. Шунинг учун минерал ўғитларнинг вақтида ва меъёрида ишлатилишини қаттиқ назоратга олганмиз.

Ҳиссадорлик жамияти раиси тавсияси билан вилоятнинг Сайхунбод туманларо "Қишлоқхўжалиқимиз" филиалида бўлди. Бу ерда ишларга ҳодимларнинг қўқамлиги қўқам бўлди. Бир — Сирдарё туманида жойлашган фермер хўжалиқлари далаларига минерал ўғит олиб бериш ва фермерлар билан учрашувлар, тадбирлар ўтказиб, уларда фермерларнинг вазифа ва бурчларини эслатиб, тушунтириб келаяпти.

Дарвоқе, филиалнинг 125 нафар аҳил жамоаси ўтаётган Ижтимоий ҳимоя йилда ўз ҳудудларидаги кўча ва хиёбанларни ободонлаштиришга, кам таъминланган оилаларга ва қаровчисини йўқотган кишиларга моддий-маънавий қўқам бериб турибди. Тегара атроф ва марказий йўлнинг икки ёнига манзарали ва мевали дарахт қўқатлари ўтказилди. Гулистон шаҳридаги қариялар уйини таъмирлаш учун 600 миң сўм, Меҳрибонлик уйига 150 миң сўмлик гуруч, шу ерда узок йиллар меҳнат қилиб ҳозир қарилк гаштини сўраётганларга ҳар томонлама ёрдам бериб келинмоқда.

**Бахтиёр ТОШНАЗАРОВ,**  
«Адолат» мухбири

## Тадбир

### Мувоқофада — муҳим масала

«Адолат» СДП вилоят Кенгаши ва Тайлоқ туман ҳокимлиги ҳамкорлигидаги «Жамият таракқиётида хотин-қизлар ва ёшларнинг ўрни, уларнинг сиёсий, ҳуқуқий савдоҳонлигини ошириш, лидерлик қобилиятини шакллантириш» мавзусида семинар-кенгаш бўлиб ўтди. Вилоят ва туман ўтасаддилари, маҳалла маслаҳатчилари, партия Кенгашлари котиблари, «Ёшлар қаноти» етакчилари, фаоллар иштирок этган семинар-кенгашда «Ўзбекистон хотин-қизлар қўқимати фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўқимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Президент фармонининг аҳамияти, фармон ижроси юзасидан амалга оширилган ишлар, келгусидаги вазифалар тўғрисида сўз борди. Тадбирда «Адолат» СДП вилоят Кенгашининг Хотин-қизлар кенгаши раиси Г.Худойбердиевнинг жамиятга хотин-қизларнинг ролини кучайтириш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш тўғрисидаги маърузаси тингланди. Шу билан бирга, «Адолат» СДП Тайлоқ туман Кенгашининг биринчи котиби С.Ражабов аёллар ва ёшларнинг иш-хотлардаги иштирокини таъминлаш, ижтимоий-сиёсий фаолигини ошириш борасидаги фикр-мулоҳазаларини билдирди.

Қизинг савол-жавобларга боғлиқ бўлган семинар-кенгаш иштирокчиларда катта таассурот қолдирди.  
**И.ҚУРБОНОВ,**  
«Адолат» СДП Самарқанд вилоят Кенгаши котиби

## Бизнинг мусоҳаба

### ЕТАКЧИ ТАШАББУСКОРЛИГИ

партия нуфузини юксалтириш билан бирга тадбирлар таъсирчанлигини ҳам оширади

**Қашқадарё воҳасининг ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий ҳаётида Ўзбекистон «Адолат» СДПнинг алоҳида ўрни бор. Партия фаоллари меҳнаткашларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш билан бирга, жойларда олиб борилаётган ислохотларни қўқурлаштириш, оммавий тадбирларни ташкил этишда фаол иштирок этиб келмоқда. Мухбиримиз «Адолат» СДП Қарши шаҳар Кенгаши биринчи котиби Эркин Хўжақўлов билан ҳудудий партия ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган ишлар, қўқам киритиллятган ютуқлар ва келгусидаги режалар ҳақида суҳбатлашди.**

— Ҳар қайси партиянинг муваффақияти иш олиб боришида, ҳудудий Кенгашлар, аиниқса, бошлангич ташкилотларнинг самарали фаолияти ҳал қилувчи аҳамиятга эга...

— Ҳақиқатдан ҳам, шундай. Шу боис биз ҳам фаолларини сиёсий билан бамаслашатиш юритган ҳолда, бошлангич ташкилотларимиз фаолиятини эришишга катта эътибор қаратмоқдамиз. Негаки, бошлангич ташкилотларимизнинг фаоллиги партияимизнинг эл-қўртасида оғир-эътиборини, нуфузини оширишга, тарафдорларимиз сонини оширишга хизмат қилади.

Айти пайтда шаҳар Кенгаши тасарруфида 25 та бошлангич партия ташкилоти иш олиб бораляпти. Улар ўз атрофига қарийб 300 нафар партия аъзоларини бирлаштирган. Аиниқса, вилоят Скрининг маркази ва «Жайхун» хизмат кўрсатиш мажмуидида бошлангич ташкилотлар фаоллари — жонқур партиядошларимиз олиб бораётган ишлар тахсинга лойиқ.

Айти пайтда аъзоларимизнинг ижтимоий фаолигини

ги қонунбузарликлар аниқланиб, тегишли ташкилотлар ёрдамида чора-тадбирлар қўқилмоқда. Қолаверса, бунда шаҳар истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари билан яқин ҳамкорлик қилаётганимиз ҳам яхши самара бераётди. Партияимиз аъзолари маҳаллаларда бўлиб, фуқаролар билан давра суҳбатлари ташкил этишяпти. Уртага қўқилаётган муаммоларни мутасаддилар билан ҳал этишга бош-қош бўлишмоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партиялар ролини кучайтириш тўғрисида»ги Конституциявий қонунинг қабул қилиниши партия ташкилотлари ишини янада такомиллаштириш, яхшилаш учун кенг имкониятлар эшигини очди. Шу билан бирга, бизнинг зиммамизга катта масъулият ҳам юкланди. Бир сўз билан айтганда, мамлакатимизда хайрли мақсадлар йўлида амалга оширилаётган ислохотларга баҳоли қудрат хисса қўқиш учун енг шимариб ишлайдиган пайт келди. Бунинг учун эса ҳайр, омма орасига кўпроқ кириб боришимиз, электронимиз сифини янада кенгайтиришимиз зарур. Зеро, партия нуфузини ана шу ҳамкорлик самараси белгиляпти.

**Суҳбатдош:**  
**Комил САХАТОВ,**  
«Адолат» мухбири

## Маҳалла — юрт кўрки

### САРИШТА УЙ ЭГАЛАРИ

Бугун мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳалла-лар фаолиятини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Негаки, маҳаллар юрт кўрки, ўзига хос таълим-тарбия ўчоғидир. Ёшларнинг, маҳалла аҳли аҳли, унга ва бирдан бўлса, ўша жойда тинчлик-осойишталик, фаровонлик равақ топади, соғлом, баркамол авлод камолга етади.

Пойтахтимизнинг Чилонзор туманидаги "Кичик Дўқиробод" маҳалласи ҳудудида кўп қаватли уйлар кўқилини ташкил этади. Бу эса ҳудудда истикомат қилаётган турли миллат вакилларининг бошини бириктириш, ҳудудда тозалик-ободонлаштириш ишларини баҳамжихатликда олиб боришда маҳалла фаоллари зиммасига катта масъулият юкляпти. Маҳалла оқсоқоллари ва фаоллари ўз зиммаларини ушбу муҳим вазифани муваффақият билан урдалаш учун астойдил ҳаракат қилишмоқда. Аиниқса, маҳалла ҳудудидаги 6-уй бошқарувчиси Талъат Лексининг фидойилиги, ҳудуд ободлиги ва осойишталиги йўлидаги жонқурлиги алоҳида таҳсинга сазовор. У маҳалла педагог сифатида ёшларга сабоқ бериш билан бирга уй атрофини саранжом-саршишта сақлаш, оилалар товулигини таъминлаш, шунингдек, кексалар, ногиронлар ва кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олиш, каби хайрли ишларга бош-қош бўляпти.

Маҳалла фаоли одамлар ишончини катта масъулият деб билиши керак, — дейди уй бошқарувчиси. — Яқин ёрдамчиларим Шахноза Лутфуллаева, Каромат Дармонова, Дўқамла Николаева, Дилфуза Шохўжаева сингари саккиз нафар йўлақбошилар айнан шундай киши-

## Маҳалла — юрт кўрки

### САРИШТА УЙ ЭГАЛАРИ

Бугун мамлакатимизда ўзини ўзи бошқариш органлари — маҳалла-лар фаолиятини ривожлантиришга катта аҳамият берилмоқда. Негаки, маҳаллар юрт кўрки, ўзига хос таълим-тарбия ўчоғидир. Ёшларнинг, маҳалла аҳли аҳли, унга ва бирдан бўлса, ўша жойда тинчлик-осойишталик, фаровонлик равақ топади, соғлом, баркамол авлод камолга етади.

Уларнинг ёрдами билан тез-тез хашар уюштириб, уйимиз атрофини тозалаямиз, дов-дарахтларни оқлаймиз.

— Халқимиз саршиштали уй — фариштали уй, деб бекорга айтмаган, — дея суҳбатда қўқилади фахрий педагог Шоҳида ая. — Шунинг учун ҳам кўп қаватли уйда яшаётган ёш қизларга, келинчақларга, "Қизларим, сизлар бир хонадон бекасиниз. Хонадонингизга тинчлик, осойишталик, истибат, яхши ният билан уйгондиз, гизми, турмуш ўртоғингиз, қиз-ўғлингизни кечда хайр-баракка билан, соғу-саломат қўқиб олишни истасангиз, ҳар тонг ўз йўлагингизни тозалаб қўқинг. Уларни чинидек топ-тоза қилиб сунурилган йўлақда қўқиб олинг. Ана шунда барча эзгу ниятларингиз амалга ошади", дея насихат қиламиз. Шўқрки, бу насихатларимиз, савий-ҳаракатларимиз беиз кетмаляпти.

Ҳақиқатдан ҳам маҳаллага келган кишининг эътиборини, аввало, теварак-атрофининг тоза-озодалиги тортади. Бу ердаги хонадонларда яшовчи кишиларнинг ўзаро самий муносабати, меҳр-оқибати, ёшларнинг нурунийларга бўлган ҳурмат-эҳтирорига ҳавас билан қаради. Энг муҳими, маҳалла аҳли ўзимизнинг уйимиз, деган фикр билан яшашмоқда.

## Солиқ

### Тарғибот кучайтирилмоқда

Соҳтакорлик билан мўмай даромад қилиш пайтда булган қимсалар бир кунмас бир кун қонун олдига кимсал бериши тайин. Ахир, кўза кунда эмас кунда синади, деб бежезга айтилмаган.

Спирт ва алкоғолли маҳсулотлар сотишини тартибга солиш тўғрисидаги ҳукумат қарорлари ижроси юзасидан ўтказилган текширувларда юқориде айтилганидек мўмай даромад қиламан деб ўйланган сохта тадбиркорлар чўв тушишди. 2007 йил 1 январидан шу бугунги кунга қадар спиртли ичимликлар сотиш ва савдо қилиш ҳуқуқига эга умумий оқватланиш қороналариде етти марта тасма мўддатли текширувлар ўтказилди. Уларда ҳам 647,7 миң сўмлик спиртли ичимликлар ҳеч қандай сертификатсиз, сохта ҳужжатлар билан муомалага чиқарилгани аниқланиб, айбдорларга 2315,4 миң сўм миқдорда молиявий жарима қўқиланди.

Дарҳақиқат, спиртли ичимликлар сотилишини тартибга солишга қаратилган 2007 йил 16 мартдаги "Алкоғол маҳсулотлар чакана савдосини тартибга солиш чоралари тўғрисида"ги Президент қарори ижросини таъминлаш мақсадида туманимиздаги ҳуқуқни муҳофиза қилувчи органлар билан ҳамкорликда бир қатор амалий ишлар олиб боришмоқда. Жумладан, савдо ва умумий оқватланиш шохобчалари раҳбарлари иштирокда ўтказилган тадбирларда қарорнинг мазмун-моҳияти, аҳамияти тўғрисида жонли мисоллар воситасида тушунтириш берилди. Шунингдек, қарор талаблари бажарилишини таъминлаш хусусида 168 та қорхона раҳбарлари ёзма равишда оғустантирилди. Туман комиссияси томонидан қарорга мувофиқ, 10 та чакана савдо дўқонлари ва 80 та умумий оқватланиш тармоқларига алкоғол маҳсулотлари сотиш учун рухсатномалари берилди. Айти пайтда уларда аҳолига сифатли хизмат кўрсатишмоқда.


**Шўқрат АРИНОВ,**  
Яқсарой туман ДСИ шўқба бошлиғи

Банк ва ислоҳот



# МИЖОЗЛАРГА ҲАМИША ПЕШВОЗ

Ўзбекистонда банк тизимининг вужудга келиши ҳақида гап кетганда, хусусан мустақиллик йиллари иқтисодийнинг мазкур соҳасида илдам одимлар ва ислоҳий ривожланишлар бўлаётгани тилга олинади. Зеро, Президентимиз Ислам Каримов ҳам 1993 йилдаёқ (6 сентябрда) Тошкентда Халқаро банклар Конференцияси очилишида сўзлаган нутқида шундай деган эди: «Иқтисодий тараққиётни тезлаштиришда банклар ва бошқа молия ташкиотларининг аҳамияти жуда катта. Банкларсиз саноят бўлмаслигини, банкларсиз экспорт бўлмаслигини, банкларсиз сармоя бўлмаслигини биз жуда яхши биламиз. Банк соҳалари ва уларнинг тараққиёти Ўзбекистон ҳукуматининг диққат марказида турибди...



Ҳа, мамлакат иқтисодиёти ҳар қандай бурилиш, ривожланишлар даврида банк идораларининг ҳозиржавоб хизмати эҳтиёж сезиб келган. Ўзбекистонни жаҳондаги энг бой, иқтисодий бақувват давлатга айлантириш, халқ фаровонлигини таъминлаш йўлида амалга оширилаётган ислохотларни қўллаб-қувватлашда бугун банк идораларининг ўрни, иштироки гўят салмоқли.

Ана шу эҳтиёжлар замирида юзага келган «Асакабанк», хусусан, унинг Самарқанд вилоят филиали миқозларга намунали хизмат кўрсатиб, иқтисодиётда янги ташаббусларга йўл очмоқда. Ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, савдо, сервис хизматларини

кенгайтириш, мавжуд технологияларни янгилаш, хорижий сармояларни вилоят иқтисодиётига йўналтириш орқали юзлаб янги иш ўринларини яратиш, экспорт салоҳиятини оширишда ҳам банкнинг таъсири кун сайин кучайиб бормоқда.

Бугун Самарқанд вилоятида 1100 нафар доимий миқоз банк хизматидан фойдаланмоқда. Улар қаторида мамлакатимизда автомобил-созлик тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган «Самавто» корхонаси, шунингдек, Геология-кидирув бошқармаси тизимидаги ташкилотлар, «Бахмал», Ўзбекистон-Қозғистон, «Пульсар» Самарқанд-Чехия қўшма корхоналари, «Аминтекс» тўқимачи-

лик фабрикаси, «Самавтойл» акциядорлик бирлашмаси ва бошқа унлаб миқозларни кўрсатиш мумкин.

Халқаро интернет тармоғига уланган банк валюта айрибошлаш ва дунёнинг исталган нуктасидаги миқозга пул ўтказиш бўйича барча зарур қарорларга эга. Бугун банк фаолиятида «Вестерн-юнион», «Юнистрем», «Азия экспресс», «Быстрая почта», «Близкая» сингари хизмат турлари мавжуд бўлиб улар аллақачон миқозлар ишончига кирган.

Филиал энг сўнгги русумдаги компьютер ва бошқа зарур алоқа воситалари билан таъминлангани аниқ, беҳато ва тезкор хизматни ташкиллаштиришга имкон бермоқ-

да. Бундан ташқари, банк ва унинг шохобчаларида меҳнат қилаётган юз нафар ходимнинг ҳар бири юксак касбий тайёргарликка эга бўлгани ҳам миқозлар билан кундалик муаммоларни осонлаштирмоқда.


Банк тизимидаги ўзаро рақобат шароитида банк миқозларга муайян хизматларнинг янги-янги турларини тақриф этиб, ўз нуфузини оширмоқда. Шулардан энг муҳими, сўм пластик карточкаларидан фойдаланишдир.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, иқтисодиётни соғломлаштиришга, нақд пул муомаласини камайтиришга хизмат қилаётган сўм пластик карточкалари Самарқандда «Асакабанк» филиали томонидан биринчилардан бўлиб, 2001 йилдаёқ ташкил этилган эди. Утган вақт мобайнида миқозлар ўртасида олиб борилган чуқур тушунтириш-тарғибот ишлари натижасида сўм пластик карточкалари пул муомаласининг ишончли усулига айланди. Чунки пластик карточкалар маблағ эгаси учун ҳар томонлама қўлай, фойдали ва хатарсиздир. Самарқандлик миқоз ўзининг сўм пластик карточкаси билан сафарга чиқканда хотиржам юради. Чунки у шу карточка орқали республиканинг исталган нуктасида нақд пулсиз ҳисоб-китоб қилиши ёки зарурат сезганида нақд пул олиши мумкин.

Сўм пластик карточкаларига мунтазам ўтказиб бориладиган маблағ мушкулнингизни осон қилибгина қолмай сизга фойда ҳам келтиради. Яъни, йилга 14 фоизга кўпайиб боради. Агар сиз тadbиркорлик билан шуғулланиб савдо дуконингизга миқозлар билан ҳисоб-китоб қилиши учун терминал ўтказган бўлсангиз, энг маъқул иш тутган бўласиз. Чунки Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 3 августдаги қарорига асосан, сиз муайян имтиёзга эга бўласиз. Яъни амалдаги ставкага нисбатан 10 фоизга пайсга қайтарилган ставка бўйича даромад солиғи ёки ягона солиқ тўловини тўлайсиз.

Рўзгорингизда, кундалик турмушингизда асқотаётган сўм пластик карточкасидаги маблағингиз тугаб қолган бўлса-чи? Ҳисоб-китоб пайтида асло изза тортмайсиз. Чунки сиз ўша қадрдон сўм пластик карточкаси орқали 4 ойлик маошингиз миқдоридан банк кредит маблағларидан бемалол фойдаланаверасиз.

— Миқозлар билан ўзаро ишонччи янада мустаҳкамлаш йўлидаги хизматнинг бу кредит тури факат «Асакабанк» тизимидагина амал қилмоқда, — дейди вилоят банк филиалининг сўм пластик карточкалари бўлими бошлиғи Бекмурод Асланов. — Бундай имтиёзга яратишдан мақсадимиз эса тўлов қобилияти



турлича бўлган барча миқозларни бирдек ҳурмат қилиш, уларнинг сифини янада кенгайтиришдан иборат.

Хўш, «Асакабанк»нинг вилоят филиали сўм пластик карточкаларидан фойдаланиш бўйича қандай шароитларни муҳайё эта олган? Тарғибот амалиётга мос келаяптими?

Айтиш мумкинки, бугун вилоятнинг аҳоли гавжум нукталарида 71 та савдо терминали, шу жумладан, коммунал тўловлар учун 6 та, нақд пул муомаласи учун 2 та ва валюта маблағларини олиш учун 1 та терминал фаолият юритмоқда. Чунки, Самарқанд шаҳрининг «Мармар» бозорида, авиачипталар сотувчи марказий кассада, автомобиль эҳтиёт қисмлари бозорида, йирик супермаркетларда, автоёниги кўйиш шохобчаларида шундай терминаллар муҳайё.

— 2007 йилнинг ўтган 5 ойи давомида сўм пластик карточкалари орқали 1 миллиард 200 миллион сўмлик пул муомаласини бажардик, — дейди банкнинг вилоят филиали бошқарувчиси ўринбосари Турғун Шодиев. — Бу рақам янада кўпаймоқда. Чунки миқозлар тўлов хизматининг айнан


шу турини танлаб хато қилмаганликларини тобора яшироқ англаб етмоқдалар. Сўм пластик карточкаларида ҳисоб-китоб тўфайли нақд пул маблағларининг 40 фоизга тежалеётгани эса пенсия, нафақа ва иш ҳақларни ўз вақтида тўлашда каттагина ресурс маблағ-

ларини пайдо қилмоқда. Дарвоқе, «Асакабанк»нинг республикада ҳам энг нуфузли ҳисобланган Самарқанд вилоят филиалида амалга оширилаётган ислохотлар миқозлар фойдасига хизмат қилмоқда.

Зоҳир ТУРАҚУЛОВ,  
«Адолат» мухбири



## «АСАКАБАНК»НИНГ САМАРҚАНД ВИЛОЯТ ФИЛИАЛИ Сизга янги имконият эшикларини очади



Сўм пластик карточкаларидан фойдаланинг ва Сиз ўзаро ҳисоб-китобларда мутлақо хотиржам бўласиз.

Сўм пластик карточкасида электр, газ ҳақини ва бошқа коммунал тўловларни бир зумда кечикмай амалга оширасиз.

Авиачипталарни осон харид қиласиз.

Пулингиз тугаган бўлса, сўм пластик карточкаси-

нинг кредити сизга асқотади.

Сўм пластик карточкаси маошингизни омонат жамғармасига қўйган каби фоиз келтиради.



*Миқозларимиз сафига қўшилинг.*  
*Банк билан шериклик қилишдан асло ютқазмайсиз.*

Манзил: Самарқанд шаҳри, Кўксарой майдони, 7-уй. Телефонлар: 231-19-43; 233-12-53.

Назм

Умид АБДУАЗИМОВА

ЯШАЙМИЗ ЮРАТ БОҒИДА

Кўёш куяпти

Кўёш куяпти
Бизга қараб
Нурга тўяпти
Ҳамма тараф.

Яшаймиз яйраб
Нур бағрида.
Булбулдек сайраб
Баралла шундай
Десин ҳамма:

Болаларини
Десин ҳамма,
Баралла шундай
Десин ҳамма:

Ўйнамайман

Мен ўлдим, "бизниклар"
Олдинга ўтиб кетди.

Ерга қараб ётибман.
Хафа бўлиб, қийналиб.

Тургим келар, ўйинда
Гирромлик ярашмайди.

Кўдратли бола

Ўйин тугасин, албат
Болаларни йиғаман.
"Уйиш" бўлса, битта гап:

Улар жаклини
Боса олмадим.
Эшик олдини
Тўса олмадим.

Дадамлар кетиб
Келмади узоқ.
"Ойи" топгандир
Балки яхшироқ?

Ойим ҳам кетиб
Қолмади узоқ.
"Дада" топгандир
Балки яхшироқ?

Хўрсиниб мен ҳам
Утирдим узоқ.
Ойим ва дадам
Қуттирди узоқ.

Ухлаб қолибман,
Ойим келибди.
Энди кетмасми,
Доим келибди!

Дадам ҳам келди
Совгалар билан.
Ўйр болман-да,
Кудрати баланд!

Ёзда бўш вақт бўлмайди

(Давоми. Боши 1-бетда)

Вилоятимиз шаҳар ва туманларида янги спорт иншоотлари барпо этиш дастурига мувофиқ тайёрланган намунавий лойиҳалар асосида кўлаб спорт мажмуалари бунёд этилмоқда.

— Бу икки масала ҳам жамгарманинг доимий кун тартибиди. Жумладан, ўтган йили манзилли дастур бўйича қуриб битказилган спорт иншоотлари ҳамда заллари 13450680 сўмлик спорт анжомлари билан вилоятда етти янги болалар спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди.

Шу йилнинг январь ойида жамгарманинг туман бўлимида ишлаётган тўрт нафар бош мутахассис А.Авлоний номидаги халқ таълими раҳбар ходимлари малякисини ошириш институти курсларини тамомлашди.

Вилоят хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда олиб бораётган ишларини самараси уларок, воҳамизда нафис спорт тури — бадий гимнастика билан шугулланувчилар сони тобора ортиб бормоқда.

— Фойдаланишга топширилган спорт иншоотларини зарур

спорт анжом ва жиҳозлари билан таъминлаш қандай амалга оширилмоқда? Малакали мураббийлар масаласидаги муаммолар қай йўлдан бартараф этилапти?

— Бу икки масала ҳам жамгарманинг доимий кун тартибиди. Жумладан, ўтган йили манзилли дастур бўйича қуриб битказилган спорт иншоотлари ҳамда заллари 13450680 сўмлик спорт анжомлари билан вилоятда етти янги болалар спорт мажмуаси фойдаланишга топширилди.

Шу йилнинг январь ойида жамгарманинг туман бўлимида ишлаётган тўрт нафар бош мутахассис А.Авлоний номидаги халқ таълими раҳбар ходимлари малякисини ошириш институти курсларини тамомлашди.

Вилоят хотин-қизлар кўмитаси билан ҳамкорликда олиб бораётган ишларини самараси уларок, воҳамизда нафис спорт тури — бадий гимнастика билан шугулланувчилар сони тобора ортиб бормоқда.

— Фойдаланишга топширилган спорт иншоотларини зарур



кайтиди.

— Мана, мактаб ўқувчиларининг ёзи тавтили ҳам бошлангич ишлаётган ўғил-қизларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказишларини таъминлаш, уларни жисмоний тарбия ва спорт машғулотларига жалб этиш бўйича жамгарма қандай ишларни амалга оширишни кўзда тулган?

— Вилоят ҳокимлиги, Хотин-қизлар кўмитаси, "Махалла" жамгармаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Ёшлик" кунлиги спорт жамияти билан ҳамкорликда "Ёз-2007" спорт-соғломлаштириш дастури ишлаб чиқилган.

бақалари ундан ортиқ спорт турлари бўйича уч (қашлоқ, туман ва вилоят) босқичда уюштирилган режалаштирилган. Қисқача айтганда, ёзи тавтили даврида воҳамиз болаларнинг 21 та умумтаълим мактаблари спорт залларини қайта таъмирлаш ишлари жадал олиб бормоқда.


Ҳа, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамгармаси Сурхондарё вилояти филиали ўз олдига ана шундай ҳайрли мақсадларни қўйган. Жорий йилда жамгарма манзилли дастур бўйича Термиз шаҳридаги теннис кортида реконструкция ҳамда туманлардаги 21 та умумтаълим мактаблари спорт залларини қайта таъмирлаш ишлари жадал олиб бормоқда.

Сўхбатдош:
Насиба ИБРАГИМОВА

Санъат

Карикатура жанрида ҳам муваффақиятга эришган Радик Азизов 2006 йил Хайфа шаҳридаги халқроқ мусобақада кумуш медал билан тақдирланди.

А.ОТАБОВ
Н.ҲАЙДАРОВ
олган суратлар



Қараш ва ранги хис қилиш қобилияти бор, дейишда мутахассислар. Радик Азизов кўпинча бир нафасда чизадиган асарларида машҳур мусавирлар услубини такрорламасликка ҳаракат қилади.

Таълим

Ахборот-ресурс маркази

Республикамизда таълим тизимини ривожлантириш, таълим муассасалари моддий техника базасини мустаҳкамлашга катта эътибор қаратилиб, ушбу мақсадда кенг кўламли тадбирлар амалга ошириляпти.

Пойтахт вилоятининг Чирчиқ шаҳрида мажбур фармон ижроси юзасидан бир қатор ишлар қилинмоқдаки, бу замонавий таълим-тарбия мактабларида ўқитиш самарадорлигини оширишга, ўқувчиларнинг илм олишга бўлган эҳтиёжини қучайтиришга ишмат қилапти.

— Шахримизда 25 та умумтаълим мактаби ва 36 та мактабдан ташқари муассасалар фаолият юритмоқда, — дейди шаҳар халқ таълими бўлими мудир Замира Шамадиева.

У.САТТОРОВ,
"Адолат" муҳбири

"Адолат" ҳуқуқий маслаҳатхонаси

Ҳў битта, меросхўрлар эса...

Биз оилада икки нафар фарзандимиз. Ота-онамиздан битта уй акам иккимизга мерос қилиб қолдирилган. Бу мерос қандай қилиб тақсимланади?

Шерзод Аввалов, Сурхондарё вилояти

Фуқаролик кодексининг 1150-моддаси талабларига кўра, меросни қабул қилиб олган меросхўрлардан бири унинг тақсимланишини талаб қилишга ҳақли. Уларига тегишли улушларга мувофиқ, келишувга эришилган тақдирда эса,

Судланганлик ҳолати қачон олинади?

Амакимнинг ўғли жиноят содир этгани учун 3 йилга озодликдан маҳрум қилиниб, жазосини ўтаб қайтди. Ҳозир бир ташкилотда ишлаяпти. Унинг судланганлик ҳолати неча йилдан сўнг тугалланган, деб ҳисобланади?

Элёр Мадиев, Ташкент шаҳри

Жиноят кодексининг 78-моддасида судланганлик ҳолати тугалланиши ҳусусида сўз юритилган. Ушбу моддага асосан шахсининг судланганлик ҳолати қуйидаги пайларда тугалланади:

Ер солиғи тўламайсиз

Мен биринчи гуруҳ ногирониман. Ер солиғидан озод қилинаманми?

Саид Шарипов, Бухоро вилояти

Дарҳақиқат, Солиқ кодексининг 102-моддасига кўра, биринчи ва иккинчи гуруҳ ногиронлари ер солиғи тўлашдан озод қилинган.

Маълумот беришдан бош тортишиди

Солиқ идорасига бориб жисмоний шахслар қандай солиққа тортилиши, пенсияор сифатида қандай солиқлардан озод қилиниши муқимлаишени сўрасам, «бу ер сизга маълумот берувчи идора эмас», дея совуққонлик билан муносабатда бўлиди. Айтинг-чи, бу қонунга зид эмасми?

Қодир Алихоннов, Ташкент шаҳри

Йўқ, аксинча. Сизнинг Бундан ташқари, солиқ ва йиғимлар бўйича бийлик олдидаги ўз мажбуриятларинингизни бажариш юзасидан солиқ органларидаги мавжуд маълумотлар билан танишиш, шунингдек, солиқ органларининг қарорлари ва мансабдор шахсларининг ноқонунли ҳаракатлари устидан юқори солиқ органларига, ҳаттоки, судга мурожаат қилишингиз мумкин.

Солиқ кодексининг 11-моддасида солиқ тўловчиларнинг ҳуқуқлари баён этилган. Унга кўра, Сиз солиқ органларидан солиқ ҳақидаги қонун ҳужжатлари масалалари имтиёзларидан фойдаланиши ҳуқуқига эгасиз.

Саволларингизга Республика Бош прокуратураси бўлим прокурори Тоҳир АЗАМАТОВ жавоб берди

РАНГЛАРГА СИНГАН ДУНЁ

Одатда, буюқ расом деганда Европанинг бирор машҳур шаҳрида тугилиб, санъат дунёси ҳавосида улгайган киши кўз олдимизга келади.

Тошкент яқинидаги Тўйтепа шаҳрида вояга етган Радик Азизов мактабининг бошланғич синфларидан ўқитувчилари

ни ҳайрон қолдириб, деворий газеталарни кўглини расмларга тўлдирга бошлаган. Рассомчилик қўриқларида кетма-кет галаба қозонаверган, ота-онаси уни Тошкентдаги Темирийўчалар маданият марказига олиб боришади.

Тўйтепалик расомда тасвир санъатда биринчи ўринга қўйиладиган дунёга янгича

Мўхокама учун мавзу

ЎЗБЕКОНА САЛОМЛАШИШ УРФДАН ҚОЛМАСИН

"Ассалому алайкум" ибораси арабча бўлиб, ўзбек тилида "Сизга тинчлик, саломатлик тилайман" ва унга жавобан айтилишидан "Ваалайкум ассалом" ибораси эса "Сизга ҳам тинчлик, саломатлик тилайман" деган маъноларни англатади.

Албатта, саломлашишнинг ўзига хос қоидалари мавжуд. Ёши кичиклар катталарга, улов минган одам пийдага, пийда кетмаётган киши ўтирганга, озчилик кўпчилиikka салом бериши лозим.

Бизда гўдак тил чиқара бошлаганидек ота-она унга саломлашиш одобини ўргатишга ҳаракат қилади. Бу беҳизга эмас, албатта. Чунки бола ёшлигидан салом беришга ўрганса ёши улугларни ҳурмат қилишга одатланади.

моат транспортларида кексалар бугунги ёшлар ҳурмат-иззатни унутиб қўётганидан, салом бериш ўқда турсин, ҳатто автобусда ўриндан туриб жой бериши ҳам билмаслигидан нолиб қолишади. Бунга ота-оналар, тарбиячи ва ўқитувчиларнинг эътиборсизлиги сабаб бўлаётганидан эътиробилади.



Мамлакатимизга ташриф буюрган европалик меҳмонлар Тошкент метрополитенига тушганларида ёшлар қарияларга жой беришга ташаббус қилиб, «Сизларнинг қонунларингизда ёшлар ёши кексаларга жой бериши кераклиги кўрсатилган

ми», деб сўрашибди. Сўнг бунинг қонунга алоқаси йўқлигини, бу оддий инсоний одат эканини, ўзбекларда аёллар, кексалар доимо ҳурмат ва эътиборда эканини эшитиб ҳайратланишибди.

XXI аср — юксак ривожланган технологиялар асри. Бугунги ёшлар интернет ва бешка коммуникация тармоқлари ёрдамида бир неча сонияларда сайёрамизнинг исталган нуқтасида содир бўлаётган воқеа-ҳодисалардан хабардор бўлишмоқда. Бу, албатта, кувонарли ҳолат. Лекин таёқнинг икки учи бўлганидек, интернетга кечаю кундуз боғланиб қолган ёшларга ё миллий қадриятларимизга ёқ бўлган одатлар, қўлиқлар ёки юксак қолмаётганидан Дарвоқе, айрим ўқувчилар, талабалар урғасида саломлашишнинг антика хиллари пайдо бўлган. Саломлашганда бош уриштириш, нафақат қўл, балки оёқларни, елкаларни чишга

солишдек бизга сингмайдиغان, урф-одатларимизга бергона қилиқларни кузатиш мумкин. Айниқса, ёш йигитларнинг ўлишиб қуришиши эриш туюлади, кишининг гашига тегади. Энг ёмони, гўё бир-бирига ҳурмати бандлигини билдирувчи бундай антика саломлашиш йиғилар орасида кундан-кунга омаллашиб бормоқда.

Самимий ва дўстона одоб билан саломлашиш — ўзбекча со фасилат. Шунинг учун боғча, мактаб ва олий ўқув юрғлади таълим олаётган келажакимиз эгалари саналими ёшлар орасида саломлашиш одобини кенгроқ таъсирчан усулларда тарғиб этиш керакка ўхшаиди. Эеро, асрлар мобайнида сайқалланиб, шаклланган бу миллий урф-одатимиз асл ҳолича сақланиши лозим. Шундай эмасми, азиз таъхтон!

Зулайхо КАМОЛХОДЖАЕВА, Дилноза АКБАРОВА

ОДАМИ ЭРСАНГ...

Эзгулик ва инсонпарварлик, ҳиммат ва бағрикенглик, меҳр-муруват ва хайру саховатдек халқимизга хос юксак инсоний фазилатлар биз учун буюқ асждоллардан мерос тўйғудир.

Дарҳақиқат, Навоий даврида Хирот Шарқнинг энг обод, гўзал, гавжум шаҳарларидан бирига айланган. Мамлакатнинг тўрт томонидан уламолар, ҳунармандлар, қосиблар, олимлар, бинокорлар, мусиқашунослар, шоирлар бу шаҳарга кела бошлаганлар. Уларнинг қўллаши улуг шоирни қора тортиб келиб, ундан паноҳ топишган.

орасидан чиққан шоирлар билан яқин муносабатда бўлиб, уларга ҳомийлик қилган. Ўз даврининг буюқ намоёниси, саховатпеша шоир барча қалам аҳлига ҳар томонлама гамхўрлик қилиб, уларга оталарча муносабатда бўлган.

Бугунги кунда ҳам жамиятимизнинг илм-маърифати йилда саховатпеша инсонларга эҳтиёж бор. Юртимизда бундай кишиларнинг сони кўпайса, улар эндигина кўзга қўриноб келаятган ёш истеъдод эгаларини моддий-маънавий қўллаб-қувватлаб, уларга ҳомийлик қилишса, мақсадга мувофиқ бўлар эди. Биз доимо улуг бобоқалонимизнинг ушбу давратини ёдда тутмоғимиз лозим.

Одами эрсанг демагил одамий, Онингки йўқ халқ гамидан гами. Нигора БОЙМИРЗЕВА, Ўзбекистоннинг ТДПУ магистранти

ADOLAT IJTIMOYIY-SIYOSIY GAZETA MUASSIS: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП СИЙСИЙ КЕНГАШИ www.adolat.uz • E-mail: adolat.gazeta@mail.ru

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатга олинган. Телефонлар: қабулхона — 136-53-14; факс — 133-40-86; котибият — 136-55-96; реклама бўлими — 133-41-89. Манзил: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Тахрир ҳайъати: Дилором ТОШМУХАМЕДОВА, Шермат ШАМСИЕВ, Иқбол МИРЗО, Светлана ОРТИҚОВА, Турсунали ҚЎЗИЕВ, Мукаррамхон АЗИМОВА, Турғунпўлат ЛАМИНОВ, Жуманиёз АЛИБЕКОВ, Равшан ҲАЙДАРОВ, Камол АЛЛАЕВОВ, Мамазоир ХЎЖАМБЕРДИЕВ, (Бош муҳаррир Уринбосари), Исмомил САИФНАЗАРОВ, Собир ТУРСУНОВ, Талъат МУРОДОВ

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланган. «Адолат»дан кўчириб босиш фақат тахририят рухсати билан амалга оширилади. t — Тижорат мақодалар белгиси. Нашр индекси — 100. Навбатчи — Б.ТОШНАЗАРОВ Саҳифаловчи — З.БАКИРОВ